

**Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича
ШАРТНОМА № 10**

Зарбдор тумани

2022 йил «15» декабр

Вилоят Халқ таълими бошқармасига карашли Заиф эшитувчи болалар махсус мактаб интернати номидан Низом асосида фаолият юритувчи Шодмонкулова Н.Б. (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади) бир томондан ва **“ZARBODOR BILOL SERVIS” масъулияти чекланган жамияти** номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор **Мамашев О.** (кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталади) иккинчи томондан кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу Шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар.

I. Шартнома предмети

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунига қадар хар куни Буюртмачини **Иссик овкат билан таъминлашда Аутсорсинг хизматини кўрсатади** ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва қондаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:

2022 йил “15” декабрдан.

2022 йил “31” декабрғача.

1.3.1. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади. Мазкур **шартнома Ғазначилик органларидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга кириди ва 31.12.2022 йилгача амал қилади.**

II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер куйидаги ҳуқуқларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жиҳатдан жиҳозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.1.8. Камунал хизмат киймати белгиланган лимит ва давлат тиббийот ташкилотига ажратилган бюджет маблағлари доирасида қопланиши.

2.2. Аутсорсер куйидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши;

2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнғин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қондалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;

2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиши.

2.2.7. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғрилаши.

2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қондаларига жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши.

2.2.9. Малакали, тажрибали, қўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига рухсат этиши.

2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклаши.

2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги.

2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жиҳозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда саклаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши.

2.2.13. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши.

2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши.

2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда).

2.2.16. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

2.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;

2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш.

2.3.3. Шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишда огоҳлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаш.

2.3.4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.4. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳақини тўлаши.

2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши.

2.4.3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

III. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг хизматлар нархи **124 900 000** (бир юз йигирма тўрт миллион тўққиз юз минг) сўмни ташкил этади.

3.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.

3.2.1. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик буюртмага мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар ўн кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси тузилади ва ҳисоб-фактура расмийлаштирилади.

3.2.2. Аутсорсерга ҳақ тулаш шартномага мувофиқ барча харажатларни (Солиқлар , ходимларнинг иш ҳақи , транспорт харажатлари ва бошқалар) ўз ичига олган ҳолда бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактурада кўрсатилган сумма ҳисобига амалга оширилади.

3.2.3. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк кунни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади.

3.2.4. Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан қайта кўриб чиқилади.

IV. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2. Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан озод этмайди.

4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида, «Хўжалик юритувчи субъектлар

фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.

4.4. Буюртмачига ҳар чоракда бир маротаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини мониторинг ўтказишга (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шартонлар яратиш.

4.5. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

V. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун берилди.

VI. Форс-мажор ҳолатлар

6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар энгиб бўлмас куч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулудда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар рўй берган муддатга сурилади.

VII. Яқунловчи қондалар

7.1. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

7.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

VIII. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

“Аутсорсер”

“ZARBDOR BILOL SERVIS” МЧЖ

Манзил: Зарбдор тумани

Х.Р 20208000900725115001

Банк номи: Агробанк Зарбдор филиали

ИНН: 304632365

МФО: 00125

Рахбар:



О.Мамашев

“Буюртмачи”

Вилоят Халқ таълими бошқармасига
карашли Заиф эшитувчи болалар ММИ

Зарбдор туман Янги обод МФЙ

ш/х 100021860082207092400075002

Ташкилотнинг СТИРИ 200335700

ИФУТ: 92310 МФО: 00014

х/р 23402000300100001010

Марказий банк Тошкент шаҳар

Рахбар:



Н.Шодмонқулова

Handwritten signature: P. Rojzov



Жиззах вилоят Заиф эшитувчи болалар махсус мактаб интернати учун бюджет маблаглари хисобидан товар (ишлар, хизматлар)ларни харид қилиш бўйича танлов ўтказиш комиссиясининг
МАЖЛИС БАЁННОМАСИ № 9

2022 йил "14" декабр

Зарбдор тумани

Вилоят Заиф эшитувчи болалар махсус мактаб интернатининг 2022 йил " " даги № тасдиқланган танлов комиссияси аъзолари қуйидаги таркибда

-сонли бўйруғи билан

Қатнашчилар:

Н.Шодмонқулова -Вилоят Заиф эшитувчи болалар махсус мактаб интернати директори,
танлов комиссиясининг раиси

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

Г.Махмудова - Ўқитувчи, комиссия аъзоси
Р.Саримсакова - Ўқитувчи, комиссия аъзоси
Ш.Дастамов - Ўқитувчи, комиссия аъзоси

Кун тартиби:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.05.2022 йилдаги №276-сонли қарори 100-бандига асосан Вилоят Заиф эшитувчи болалар махсус мактаб интернати томонидан (ишлар, хизматлар) ни харид қилиш (бажариш) бўйича махсус ахборт порталига 05.12.2022 йилда №204844-сонли тайёр иссиқ овқат тайёрлаш Аутсорсинг хизмати бўйича ўтказилган электрон танлов юзасидан келиб тушган эътирозлар бўйича.

Вилоят Заиф эшитувчи болалар махсус мактаб интернати учун товар(ишлар, хизматлар)ларни харид қилиш (бажариш) бўйича иштирок этган даъвогар ташкилотлар ва уларга қўйилган умумий баллар

№	Товар (иш, хизмат)нинг номи	Ўлчов бирлиги	Сони (микдори)	ISHONCH KELAJAK XIZMATI MCHJ		ZARBDOR BILOL SERVIS M.Ch.J	
				Таклиф этган нархи	Умумий балл	Таклиф этган нархи	Умумий балл
1	Тайёр иссиқ овқат тайёрлаш Аутсорсинг хизмати	Хизмат	1	125 000 000	84.3	124 900 000	92.6

Талабгорлар томонидан 12.12.2022 йилда Вилоят Заиф эшитувчи болалар махсус мактаб интернатининг тайёр иссиқ овқат тайёрлаш Аутсорсинг хизмати бўйича ўтказилган электрон танлов юзасидан 14.12.2022 йил соат 17-00 га қадар ҳеч қанақа ёзма ёки оғзаки эътироз ёки муражатлар келиб тушмади.

Комиссия Вилоят Заиф эшитувчи болалар махсус мактаб интернатининг тайёр иссиқ овқат тайёрлаш Аутсорсинг хизмати учун ўтказилган электрон танлов бўйича

Қарор қилади:

Вилоят Заиф эшитувчи болалар махсус мактаб интернатининг тайёр иссиқ овқат тайёрлаш Аутсорсинг хизмати учун электрон тарзда ўтказилган танловда жами 92.6 балл билан ғолиб бўлган ZARBDOR BILOL SERVIS M.Ch.J билан шартнома имзоланиб, Ҳазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтказилсин.

Г.Махмудова

Р.Саримсакова

Ш.Дастамов

Н.Эшбеков

комиссия котиби.

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 204844 на приобретение Аутсорсинг хизмати

Способ проведения электронный

Дата 12.12.2022

Время рассмотрения 03.12.2022 00:56

Конкурсная комиссия Заиф эшитувчи болалар махсус мактаб интернати, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	SHODMONQULOVA NASIBA BOXODIROVNA	Direktor	ZAIF
Секретарь комиссии	ESHBEKOV NABI MUXTOROVICH	Uqituvchi	ZAIF
Член комиссии	BARATOV SAXOB ERKIN O'G'LI	Комиссия аъзоси	Заиф эшитувчи болалар махсус мактаб интернати
Член комиссии	MALIKOV BAXRIDDIN ABDUMURODOVICH	kadr	ZAIF
Член комиссии	MALIKOV BAXRIDDIN ABDUMURODOVICH	kadr	ZAIF
Член комиссии	MAXMUDOVA GULNARA SAIDOVNA	Uqituvchi	ZAIF
Член комиссии	DASTAMOV SHAKAR ASKAROVICH	Zavxoz	ZAIF
Член комиссии	SARIMSAKOVA RAYXON KATTABEKOVNA	Uqituvchi	ZAIF

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 12.12.2022 года № лота 204844.

Метод оценки предложений – Бальный метод

Мин. балл: 25

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга аутсорсинга по доставке еды
Подробное описание	Аутсорсинг хизмати (100021860082207092400075002 ст 44252300)
Количество товара	1.00
Единица измерения	усл. ед
Цена товара (услуги) за единицу	125 000 000.00
Стартовая сумма	125 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Барча етказиладиган махсулотларни сифатли етказиш керак

Тип: Текстовое значение

Описание: Барча етказиладиган махсулотларни сифатли етказиш керак

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ZARBDOR BILOL SERVIS M.Ch.J.	20	барча етказилиши керак булган махсулот учун кафолат берамиз	19	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ISHONCH-KELAJAK-XIZMATI MCHJ	20	махсулот сифатига кафолат берамиз	17	Экспертная		

Критерий №2 танлов иштирокчиси Гувохномаси такдим этилиши керак

Тип: Текстовое значение

Описание: танлов иштирокчиси Гувохномаси такдим этилиши керак

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ZARBDOR BILOL SERVIS M.Ch.J.	20	Жамиятимиз Давлат руйхатидан утганлиги тугрисида Гувохнома нухаси илоа килинади	20	Экспертная		
ISHONCH-KELAJAK-XIZMATI MCHJ	20	Жамият Гувохномаси такдим этилади	20	Экспертная		

Критерий №3 Танлов иштирокчисининг ишчи ходимлари тугрисида маълумот (my.mehnat.uz сайитидан олиниши керак)

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг ишчи ходимлари тугрисида маълумот (my.mehnat.uz сайитидан олиниши керак)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ZARBDOR BILOL SERVIS M.Ch.J.	20	Жамиятимизда малакали ошпазлар иш фаолиятини олиб боради	20	Экспертная		
ISHONCH-KELAJAK-XIZMATI MCHJ	20	Малакали ошпазлар бор	16	Экспертная		

Критерий №4 Солик ва бошка туловлар кариздорлик булмаслиги керак

Тип: Текстовое значение

Описание: Солик ва бошка туловлар кариздорлик булмаслиги керак

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ZARBDOR BILOL SERVIS M.Ch.J.	20	Солик ва бошка мажбурий туловлардан кариздорлик йук. маълумотнома илова килинади	19	Экспертная		
ISHONCH-KELAJAK-XIZMATI MCHJ	20	Солик ва бошка туловдан кариздорлиги йук	18	Экспертная		

Финансовое значение

Наименование товара: Услуга аутсорсинга по доставке еды

Ценовые предложения				Порядок оценки ценовых предложений	
Наименование участника	Стартовая сумма (UZS)	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Коэффициент, используемый для расчета предложений нерезидентов	Итоговое значение (UZS)
ZARBDOR BILOL SERVIS M.Ch.J.	125 000 000.00	124 900 000.00 UZS	124 900 000.00	00.00	124 900 000.00
ISHONCH-KELAJAK-XIZMATI MCHJ	125 000 000.00	125 000 000.00 UZS	125 000 000.00	00.00	125 000 000.00

Оценка участников финансовой части составила:

Стартовая сумма составляет 125 000 000.00 UZS

Наименование участника	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Коэффициент, используемый для расчета предложений нерезидентов	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ZARBDOR BILOL SERVIS M.Ch.J.	124 900 000.00 UZS	124 900 000.00	00.00	00.00	124 900 000.00	07.12.2022 11:54:06	5
ISHONCH-KELAJAK-XIZMATI MCHJ	125 000 000.00 UZS	125 000 000.00	00.00	00.00	125 000 000.00	07.12.2022 11:58:32	4.996

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ZARBDOR BILOL SERVIS M.Ch.J.	92.625	5	97.625
ISHONCH-KELAJAK-XIZMATI MCHJ	84.3125	4.996	89.3085

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 204844 от 12.12.2022 года на приобретение Аутсорсинг хизмати определила победителем:

ZARBDOR BILOL SERVIS M.Ch.J.
304632365

и резервный исполнитель: ISHONCH-KELAJAK-XIZMATI MCHJ (308863566)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	SHODMONQULOVA NASIBA BOXODIROVNA	Согласен	
Член комиссии	MALIKOV BAXRIDDIN ABDUMURODOVICH	Согласен	
Член комиссии	MAXMUDOVA GULNARA SAIDOVNA	Согласен	
Член комиссии	SARIMSAKOVA RAYXON KATTABEKOVNA	Согласен	
Член комиссии	DASTAMOV SHAKAR ASKAROVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП